

Лойиҳа-смета ишларини бажариш бўйича
143-ВК/2022-сонли ШАРТНОМА
22110012193158-сонли лот

Тошкент шаҳри

2022 йил “29” НОЯБР

“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан 2022 йил 03 октябрдаги 33-сонли Бош ишончнома асосида иш юритувчи бошқарма бошлиғи А.С.Махсудов бир томондан ва “O`ZBEKKOMMUNALLOYIHAQURILISH” ДУК (кейинги ўринларда «Лойиҳачи» деб юритилади) номидан Низом асосида иш юритувчи унинг бош директори Э.Мухамедалиев, иккинчи томондан, кейинги ўринларда биргаликда “Тарафлар” деб юритилади, мазкур шартномани, кейинги ўринларда “шартнома” деб юритилади, қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Лойиҳачи мазкур шартнома шартларига кўра “**Тошкент вилояти, Пискент-Бўка оқова сув магистрал коллекторини қуриш**” объекти бўйича амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда мазкур шартнома асосида, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва ижобий экспертиза хулосасини олиш, геология ишлари, техник кўрик (техобследование) (заруратга кўра), Атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш лойиҳаси (ЗВОС) ва уни экспертизадан ўтказиш, қурилишнинг бутун даври мобайнида муаллифлик назоратини амалга ошириш ишларини бажариш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

1.2. Лойиҳачи Буюртмачи томонидан бошланғич маълумотлар тақдим этилиб, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилигида рўйхатдан ўтказиб, бўнак (аванс) тўловларини амалга оширган кундан бошлаб 58 иш кунида ишларни бажаради.

2. Шартнома бўйича ишлар қиймати, тўловлар ва ҳисоб-китоблар

2.1. Мазкур шартнома бўйича Лойиҳачи томонидан танлов комиссиясининг 2022 йил 24 ноябрдаги 62304-сон баёни қарорига мувофиқ бажариладиган ишлар қиймати барча солиқлар шу жумладан, ҚҚС билан **665 000 000** (олти юз олтимиш беш миллион) сўмни ташкил этади.

2.2. Буюртмачи шартномани Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилигида рўйхатдан ўтказгандан сўнг 5 (беш) иш куни ичида шартнома баҳосининг 15 фоиз миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Шартнома бўйича қолган маблағ аванс маблағлари мутаносиб равишда ушлаб қолинган ҳолда ишларнинг натижалари тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланадиган ва муҳрлари билан тасдиқланадиган топшириш-қабул қилиш далолатномаси ҳамда ҳисоб-фактура расмийлаштирилиб, манзилли рўйхат асосида маблағлар ажратилгандан кейин ўрнатилган тартибда тўланади.

2.4. Лойиҳачи томонидан бажарилган ва Буюртмачи томонидан қабул қилинган ишлар учун якуний ҳисоб-китоб Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилигини бузилишига йўл қўймайдиган муддатларда ва тартибда амалга оширилади.

2.5. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда қурилиш қийматини кўпайтириш;

- буюртмачи томонидан ишлар ҳажмига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганда.

2.6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш Тарафлар ўртасидаги шартномага қўшимча шартнома асосида амалга оширилади.

3. Лойиҳачининг мажбуриятлари

3.1. Лойиҳачи қуйидагиларга мажбур:

3.2. Лойиҳалаш ҳақидаги топшириқга ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ, ишларни бажариш ва натижасини шартноманинг 1-иловасида белгиланган муддатда Буюртмачига топшириш;

3.3. Тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини Буюртмачи билан келишиш;

3.4. Буюртмачи, тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича асосланган эътирозларини инобатга олиб лойиҳа-смета ҳужжатларига тузатишлар киритиш;

3.5. Ишларнинг натижаларини Буюртмачига 3 (уч) нусхада ва электрон (pdf) кўринишда топшириш;

3.6. Буюртмачининг розилигисиз лойиҳа-смета ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслик.

3.7. Лойиҳачи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар)ни 5 (беш) иш кунни мобойнида ўрганиб чиқиши ҳамда берилган маълумотларда камчиликлар аниқланса Буюртмачига маълум қилишни ўз зиммасига олади.

Агар Лойиҳачи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотларда аниқланган камчиликларни, 5 (беш) иш кунни ичида Буюртмачига маълум қилмаса, маълумотлар қабул қилинган деб ҳисобланади ва бундай ҳолат Бажарувчи ишларини бажариш муддатини ўзгартиришга асос бўла олмайди.

4. Буюртмачининг мажбуриятлари

4.1. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

4.2. Шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда шартномани 1 ва 2.1. бандларида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва ишларни бажарганлик учун Лойиҳачига ҳақ тўлаш;

4.3. Лойиҳачидан олинган лойиҳа-смета ҳужжатларидан фақат мазкур шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини Лойиҳачининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик;

4.4. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар) уч кун муддатда тақдим қилиши шарт.

4.5. Ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Лойиҳачи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Лойиҳачидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш.

5. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

5.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлари бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Лойиҳачи Буюртмачига ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси асосида топширади.

5.2. Буюртмачи ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси ва иш натижаларини олгандан сўнг 10 (ўн) кун ичида ишларни қабул қилиш ва Лойиҳачига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичида Лойиҳачига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Лойиҳачига қайтариши шарт.

5.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

5.4. Агар лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларини бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, тарафлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун мобайнида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

5.5. Лозим топилган ҳолларда тарафлар мустақил экспертларга лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича хулоса учун мурожаат қилиши мумкин.

5.6. Лойиҳа-смета ҳужжатларида шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета ҳужжатларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Лойиҳачига 10 кун муддат ичида ёзма равишда огоҳлантириш ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

5. Конфиденциал маълумотларни ҳимоялаш

5.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларининг бажарилиши даврида Лойиҳачи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

6. Тарафларнинг жавобгарлиги

6.1. Лойиҳачи лойиҳа-смета ҳужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган объектдан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгардир.

6.2. Лойиҳа-смета ҳужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Лойиҳачи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши шарт.

6.3. Буюртмачи шартнома бўйича ҳақ тўланмаганлик (ўз вақтида тўланмаганлик) учун Лойиҳачига тўлов муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун ўз вақтидан тўланмаган сумманинг 0,4 фоиз миқдориди, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.4. Лойиҳачи ишларни ўз вақтида бажармаганлиги учун Буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоиз миқдориди, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.5. Пенянинг тўланганлиги ва зарарнинг қопланганлиги тарафларни ўз мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

6.6. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

7. Форс-мажор ва низоларни ҳал қилиш тартиби

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир.

7.2. Мазкур шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

7.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар даъвогарнинг танлови бўйича Тошкент туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

8. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби

8.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшичалар улар ёзма равишда расмийлаштирилиб, тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилигида рўйхатдан ўтган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

8.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:
- Лойиҳачининг айби билан ишларнинг бориши ушланиб қолса ва ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддатидан 30 кун ошиқ муддатга кечиктирилса;
- Лойиҳачининг шартнома шартларини бузиши оқибатида берилган топшириқда назарда тутилган ишлар сифати пасайса.

8.4. Лойиҳачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:
- Лойиҳачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра лойиҳа ишлари Буюртмачи томонидан 30 кундан ошиқ муддатга тўхтатилса;
- Буюртмачи лойиҳалаш ишларининг ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса ёки тўловларни сабабсиз асосларга кўра кечиктирса.

8.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

10. Алоҳида шартлар

10.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

10.2. Лойиҳачи лойиҳага ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, бирон-бир учинчи томонга бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

10.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

10.4. Буюртмачи билан Лойиҳачи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар киритиш орқали ёзма равишда тасдиқлашлари керак.

10.5. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

10.6. Мазкур шартнома 2022 йил 31 декабргача амал қилади. Шартнома 2 (икки) нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг юридик кучга эга.

11. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

Буюртмачи:


Лойиҳачи:


“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари
қурилиши бўйича инжиниринг
компанияси” УК Тошкент шаҳар ва
Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси

“O‘ZBEKKOMMUNALLOYUNAQURILISH”
ДУК

Манзил: Тошкент ш., Ниёзбек йули, 1
ШХР: 301110868962667063210110401
тел. 71-234-30-46; 71-234-05-08
ИНН. 305973162, ОКЭД 42210
Банк номи: Марказий банк Тошкент шаҳар
Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса
маркази (ҲККМ)
ЯҒҲ: 23 402 000 300 100 001 010
МФО: 00014, ИНН: 201 122 919

Манзил: Тошкент ш. Ниёзбек йули кўчаси, 1
Тел: 71-234-16-07, 71-235-80-82
Х/Р: 2021 0000 8001 0150 0001
Банк: АКИБ «Ипотека банк» Меҳнат филиали
ИНН: 201 059 118
ОКОНХ: 66000
МФО: 00423
ОКЭД: 71120
ҚҚС тўловчиси рег.коди: 326030018165

Бошқарма
бошлиғи:  А.С.Махсудов
М.Ў. (имзо)

Бош
директор:  Э.Мухамедалиев
М.Ў. (имзо)

Юрист: 

Юрист: 

Объектни номланиши: “Тошкент вилояти, Пискент-Бука окова сув магистрал коллекторини қуриш” ЛСХ

Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун
КАЛЕНДАР ИШ ЖАДВАЛИ

№ т/р	Ишнинг номланиши	Ишнинг муддати (бошланиши ва якулланиши)	Ишнинг нарх қиймати ҚҚС билан (сўм)
1.	2	3	4
1.	“Тошкент вилояти, Пискент-Бука окова сув магистрал коллекторини қуриш” ЛСХ	Бошланиши : Буюртмачи томонидан бошланғич тўлов амалга оширилгандан сўнг Муддат: 60 иш куни	665 000 000

Жами: ҚҚС билан 855 000 000 (саккиз юз эллик беш миллион) сўм.

Буюртмачи:

Лойиҳачи:

“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси

“O`ZBEKKOMMUNALLOYUNAQRILISH”
ДУК

Бошқарма
бошлиғи
М.Ў.



А.С.Махсудов
(имзо)

Бош
директор:
М.Ў.



(имзо)

Э.Мухамедалиев

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
"Ўзсувтаъминот" АЖ бошқарув раёси, я.б

С.Салфазаров
2022 й
" " "

"Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш" жамғармаси ҳисобидан
"Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси" унитар корхонаси объектларини
қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишларининг лойиха-қидирув ишлари бўйича 2022 йил учун
МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ

ВМ Раёсатининг 2022 йил 10 октябрьдаги 151-сонли босми

(млн.сўм)

T/P	Объектлар номи ва манзили	Лойиха қуввати хос бирликда	Қурилиш бошланиш ва фойдаланишга топшириш йили	Объект қурилишининг ҳисобий (дастлабки) таҳминий қиймати	Лойиха босқичи ДТИА, ДТИХ, ТИА, ГИХ, Л, ИХ, ИЛ, ТХ	Объектнинг лойиха- қидирув ишлари қиймати*	Лойиха бошдан 01.01.22 й. холатига бажарилган лойиха- қидирув ишлари	01.01.22 й., холатига лойиха-қидирув ишлари қолдиқ қиймати	2022 йил учун капитал қўйилмалар лимити	Лойиха-смета ҳужжатларини бюроғачига топшириш муддати (ой, йил)	Тендер (танлов)лар натijasига бўйича баённома рақами ва санаси	Лойихачи ташкилот номи
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
	Жами	40,0 км 3 та объект		130 000,00		3 900,00			2 000,00			
	Андижон вилояти	40,0 км 3 та объект		130 000,00		3 900,00			2 000,00			
1	Бўка ва Пискент туманлари учун оқова сув тозалаш иншоотини қуриш*	1 объект	2023-2024 йиллар	60 000,00	ИЛ	1 400,00			900,00			Тендер орқали танланади
2	Бўка тумани маркази оқова сув тизимларини қуриш*	14,0 км 1 объект	2023-2024 йиллар	25 000,00	ИЛ	900,00			400,00			Тендер орқали танланади
3	Пискент тумани маркази оқова сув тизимларини қуриш*	15,0 км 1 та объект	2023-2024 йиллар	25 000,00	ИЛ	900,00			400,00			Тендер орқали танланади
4	Пискент-Бўка оқова сув магистрал коллекторини қуриш*	11,0 км	2023-2024 йиллар	20 000,00	ИЛ	700,00			300,00			Тендер орқали танланади

(*) Объектларга "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" нинг ижобий хулосаси олингандан кейин **ОБЪЕКТ ВА ЛОЙИХА ҚИДИРУВ ИШЛАРИ** қийматиға аниқлик киритилади.

"Қиртилди"
"Сув таъминоти ва оқова сув объектлари
қурилиши бўйича инжиниринг компанияси" УК
директори
Х.Якубов
2022 йил " " "

"Келишилди"
Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги

2022 йил "01" 11

"Келишилди"
Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни
қисқартириш вазирлиги

2022 йил " " 03.11

Салфазаров



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
RAYOSATI MAJLISINING BAYONI**

20 22 yil « 10 » oktabr

№ 151

Toshkent sh.

ХДФУ

— - нусха

Раислик қилди: **А.Н. Арипов** – Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири

Қатнашдилар: А.Ж. Раматов, Ж.А. Қўчқоров, Ж.А. Хаджаев,
Ш.М. Ғаниев, Ж.Т. Мирзамахмудов, А.А. Абдуҳакимов,
З.Б. Махкамova, М.А. Хайриддинов, Б.Ф. Исламов

Вазирлар Маҳкамаси аппарати раҳбарияти, таркибий
бўлинмалари раҳбарлари ва масъул ходимлари *(рўйхат
бўйича)*

Вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари ҳамда
маҳаллий ҳокимликлар раҳбарлари *(рўйхат бўйича)*

КУН ТАРТИБИ:

**2022 йилги ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини
ривожлантириш дастурининг прогноз кўрсаткичлари бажарилишини
таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида**

*(Арипов, Қўчқоров, Бобоев, Абдувалиев, Ишметов, Мирзаев, Азимов, Салиев,
Мусаев, Шахриёров, Саидов, Хасилов, Закиров, Арипов)*

2022 йилги ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини
ривожлантириш дастури доирасида капитал қўйилмалар ўзлаштирилишини
таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижадорлигини муҳокама
қилиб, билдирилган таклифларни инобатга олган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси
Раёсати мажлиси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

а) 2022 йилги ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини
ривожлантириш дастури доирасида:

амалга ошириладиган тегишли лойиҳаларнинг аниқлаштирилган
параметрлари **1-иловага** мувофиқ;

объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш учун
ажратилган капитал қўйилмаларнинг қайта тақсимооти **2-иловага** мувофиқ;

қўшимча ажратилаётган маблағлар ҳисобидан амалга ошириладиган
лойиҳаларнинг манзилли рўйхати **3-иловага** мувофиқ;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 сентябрда Тошкент вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқларга асосан 2022 йилги ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиладиган қўшимча объектларнинг манзилли рўйхати **4-иловага** мувофиқ;

в) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21-22 апрелда Қашқадарё вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқларга асосан 2022 йилги ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида амалга ошириладиган қўшимча лойиҳаларнинг манзилли рўйхати **5-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Автомобиль йўллари қўмитаси (Абдувалиев), Молия вазирлиги (Ишметов) ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг (Бобоев) Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 23 мартдаги 125-сон қарорига мувофиқ “Хива шаҳар минтақавий йўлларида фойдаланиш” унитар корхонасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида зарур техникаларни харид қилиш учун 2022 йилги ижтимоий ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида Автомобиль йўллари қўмитасининг ишлаб чиқариш қувватларини янгилаш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан **18,9** млрд сўм ажратиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев), Молия вазирлиги (Ишметов) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сон қарорига 17-иловада келгуси йил лойиҳа-қидирув ишлар учун ажратилган маблағлар ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли ҳужжатларига мувофиқ қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, фойдаланишга топширилган умумтаълим мактабларини жиҳозлаш учун, шу жумладан, жиҳозлаш бўйича мавжуд кредитор қарздорликни қоплаш учун 50 млрд сўм ажратилишини таъминласин.

4. “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУК (Аллаберганов) бир ҳафта муддатда Сурхондарё вилояти Денов ва Сариосиё туманлари ҳудудида қурилаётган ихтисослаштирилган мактаб-интернатларни жиҳозлаш бўйича ишлаб чиқилган техник топшириқларни, товарларнинг (хизматларнинг) ҳажмлари ва уларнинг нарх параметрларини экспертизадан ўтказсин.

5. Қуйидагилар:

Жиззах вилояти ҳокимлигининг (Салиев) Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 16 январдаги 23-ф-сон фармойиши ва 2021 йил 10 декабрдаги 223-сон баёни ижросини таъминлаш мақсадида Жиззах шаҳрида қурилаётган “Сўғдиёна” профессионал футбол клуби ҳузуридаги Футбол академияси ҳудудида “So’g’diyona women” аёллар футбол жамоасига 36 ўринли ётоқхона биносини қуриш тўғрисидаги;

Тошкент вилояти ҳокимлигининг (Мирзаев) Янгийўл тумани “Гулбахор” МФЙ ҳудудида 2021 йил Инвестиция дастури доирасида қурилиши белгиланган 660 ўринли мактабда 36x18 ўлчамли футбол майдончаси, қозонхона ва ташқи тўсиқларни қуриш ҳамда ҳудудни ободонлаштириш ишларини амалга ошириш тўғрисидаги;

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг (Мусаев) Андижон давлат тиббиёт институти талабалари сони мазкур ўқув юрти биноларининг сиғимига кўра икки баробар кўплигини инобатга олиб, янги қурилаётган ўқув биноси қувватини 800 ўриндан 2000 гача ошириш, шунингдек, ушбу объектда муқобил энергия манбалари қурилмаларидан фойдаланиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Қурилиш вазирлиги (Закиров), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев), Молия вазирлиги (Ишметов) юқоридаги объектлар бўйича қайта ҳисоб-китоб қилинган қолдиқ иш ҳажмлари давлат экспертизасидан ўтказилишини ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 сентябрдаги 740-сон қарори талаблари асосида тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритилишини таъминласин.

6. Молия вазирлиги (Ишметов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев), Туризм ва маданий мерос вазирлигининг (Шахриёров) Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисининг 2022 йил 20 июндаги 94-сон баёни 33-банди иккинчи хатбошисида вазирликлар ва идораларнинг жорий харажатларига ажратилган маблағлар ҳисобидан йирик туристик салоҳиятга эга бўлган тоғли ва тоғолди ҳудудлар мастер-режаларини ҳамда халқаро автомобиль йўллари бўйида миллий карвонсаройлар услубидаги 4 турдаги намунавий лойиҳаларни ишлаб чиқиш учун 8,8 млрд сўм ажратиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Бунда ушбу маблағлар марказлашган инвестиция харажатлари орқали йўналтирилади.

7. Фанлар академиясининг Тошкент шаҳридаги Фундаментал кутубхона биносини мукаммал таъмирлаш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларига ушбу бинонинг дастлабки кўринишини сақлаб қолиш борасида тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ишлари амалга оширилаётганлиги инобатга олиниб, мазкур объектда олиб борилаётган қурилиш-монтаж ишлари қайта ишланган лойиҳа-смета ҳужжатлари давлат экспертизасидан ўтказилгунга қадар вақтинча тўхтатилсин.

8. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ (Хасилов), Андижон вилояти ҳокимлиги (Холматов) Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 20 августдаги 479-ф-сон фармойишига асосан лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилиши билан бир вақтда қурилаётган Андижон шаҳри, Бобуршоҳ кўчасидаги йўл ўтказгич учун харид қилиниши белгиланган импорт асбоб-ускуналар ва материаллар бўйича “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУКнинг тегишли хулосасини олиш чораларини кўрсин.

9. Халқ таълими вазирлигининг (Саидов) 2022-2023 ўқув йили бошланганлигини инобатга олиб, қурилиш-таъмирлаш ишлари яқунланган умумтаълим мактабларида жиҳозлаш ишларини жадаллаштириш мақсадида Давлат дастурларига асосан халқ таълими объектларини жиҳозлаш бўйича имзоланган шартномаларга мувофиқ етказиб берувчиларга 30 фоиз миқдорида аванс маблағлари тўлаб берилиши тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

10. Молия вазирлиги (Ишметов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев) мазкур баёнда назарда тутилган объектлар бўйича тегишли буюртмачилар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида белгиланган тартибда молиялаштириш ишларини ташкил этсин.

11-13. Махфий.

14. Мазкур баённинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов, Бош вазирнинг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Худудларни комплекс ривожлантириш, коммуникациялар, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги масалалари котибиятига (Абидов) юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

2022 йилги ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида амалга оширилаётган тегишли лойиҳаларнинг
АНИҚЛАШТИРИЛГАН ПАРАМЕТРЛАРИ

млн сўм

Тасдиқланган параметрлар							Аниқлаштирилган параметрлар							Асос
Т/р	Буюртмачи номи	Лойиҳа манзили ва номи	Амалга ошириш муддати	Ўлчов бирлиги	Лойиҳа қуввати	2022 йил учун лимит	Т/р	Буюртмачи номи	Лойиҳа манзили ва номи	Амалга ошириш муддати	Ўлчов бирлиги	Лойиҳа қуввати	2022 йил учун лимит	
Ирригация тармоқлари ва иншоотлари														
1	"Андижон-сувқурилишинвест" ДМ	Шахрихон туманидаги "К-1-2" коллектордан Найнаво каналини тўйинтирувчи янги канал қуриш	2022 й.	канал, км	3,0	1 500,0	1	"Андижон-сувқурилишинвест" ДМ	Шахрихон туманидаги "К-1-2" коллектордан Найнаво каналини тўйинтирувчи янги канал қуриш	2022 й.	канал, км	2,6	260,3	Сув ҳўжалиги вазирлигининг 2022 йил 29 июлдаги 05/05-271-сон хати
2	"Жиззах сувқурилишинвест" ДМ	Жиззах вилояти Зомин шаҳарчасидаги "Зоминсой" каналини реконструкция қилиш	2019-2022 йй.	канал, км ГТИ, дона	3,2 1	4 075,8	2	"Жиззах сувқурилишинвест" ДМ	Жиззах вилояти Зомин шаҳарчасидаги "Зоминсой" каналини реконструкция қилиш	2019-2022 йй.	канал, км ГТИ, дона	4,0 1	4 075,8	Сув ҳўжалиги вазирлигининг 2022 йил 29 июлдаги 05/05-271-сон хати
3	"Жиззах сувқурилишинвест" ДМ	Зафаробод туманидаги "ЮР-24" каналининг ПК0+00 дан ПК50+00 гача қисмини реконструкция қилиш	2021-2022 йй.	канал, км	5,0	1 249,2	3	"Жиззах сувқурилишинвест" ДМ	Зафаробод туманидаги "ЮР-24" каналининг ПК0+00 дан ПК50+00 гача қисмини реконструкция қилиш	2021-2022 йй.	канал, км	5,4	1 249,2	Сув ҳўжалиги вазирлигининг 2022 йил 29 июлдаги 05/05-271-сон хати
4	"Жиззах сувқурилишинвест" ДМ	Зомин туманидаги "Бош тармоқ", "Чап тармоқ", "Ўнг тармоқ" каналларини реконструкция қилиш	2022-2025 йй.	канал, км	18,7	5 500,0	4	"Жиззах сувқурилишинвест" ДМ	Зомин туманидаги "Бош тармоқ", "Чап тармоқ", "Ўнг тармоқ" каналларини реконструкция қилиш	2022-2025 йй.	канал, км	17,6	4 206,9	Сув ҳўжалиги вазирлигининг 2022 йил 29 июлдаги 05/05-271-сон хати
5	"Жиззах сувқурилишинвест" ДМ	Зафаробод туманининг "Мустақиллик", "Х.Олимжон" ва "Беруний" худудларидаги суғориш тармоқларини реконструкция қилиш	2022 й.	лоток, км	5,7	2 000,0	5	"Жиззах сувқурилишинвест" ДМ	Зафаробод туманининг "Мустақиллик", "Х.Олимжон" ва "Беруний" худудларидаги суғориш тармоқларини реконструкция қилиш	2022 й.	лоток, км	5,9	2 228,0	Сув ҳўжалиги вазирлигининг 2022 йил 29 июлдаги 05/05-271-сон хати
6	"Наманган сувқурилишинвест" ДМ	Турақўрғон туманидаги Турақўрғон сув истеъмолчилари уюшмасининг Сохилобод гидроучасткисидаги Сохилобод-2 насос станциясини реконструкция қилиш	2022 й.	насос станция, м3/сек	1,0	1 500,0	6	"Наманган сувқурилишинвест" ДМ	Турақўрғон туманидаги Турақўрғон сув истеъмолчилари уюшмасининг Сохилобод гидроучасткисидаги Сохилобод-2 насос станциясини реконструкция қилиш	2022 й.	насос станция, м3/сек	0,3	2 203,4	Сув ҳўжалиги вазирлигининг 2022 йил 29 июлдаги 05/05-271-сон хати
7	"Сурхондарё сувқурилишинвест" ДМ	Олтинсой туманининг "Хидиршо" ва "Обшир" маҳалла фуқаролар йиғинлари марказига "Хазарбоғ" каналдан 250-300 л/сек сув чиқариш қувватига эга янги насос станцияси қуриш	2022-2024 йй.	насос станция, м3/сек	0,3	2 000,0	7	"Сурхондарё сувқурилишинвест" ДМ	Олтинсой туманининг "Хидиршо" ва "Обшир" маҳалла фуқаролар йиғинлари марказига "Хазарбоғ" каналдан 250-300 л/сек сув чиқариш қувватига эга янги насос станцияси қуриш	2022-2024 йй.	насос станция, м3/сек	0,5	2 000,0	Сув ҳўжалиги вазирлигининг 2022 йил 29 июлдаги 05/05-271-сон хати
8	"Сурхондарё сувқурилишинвест" ДМ	Бойсун тумани худудидан оқиб ўтувчи "Работ ариқ" каналини иншоотлари билан бирга реконструкция қилиш ҳамда "Хангоронсой" дарёсидан сув олувчи бош иншоот қуриш	2022-2024 йй.	канал, км	4,0	1 000,0	8	"Сурхондарё сувқурилишинвест" ДМ	Бойсун тумани худудидан оқиб ўтувчи "Работ ариқ" каналини иншоотлари билан бирга реконструкция қилиш ҳамда "Хангоронсой" дарёсидан сув олувчи бош иншоот қуриш	2022-2024 йй.	канал, км	3,1	1 000,0	Сув ҳўжалиги вазирлигининг 2022 йил 29 июлдаги 05/05-271-сон хати
9	"Сурхондарё сувқурилишинвест" ДМ	Узун туманидаги "МР-1" каналининг ПК17+50 қисмида жойлашган "Шўрб" селтрактини реконструкция қилиш.	2022 й.	ГТИ, дона	1,0	1 900,0	9	"Сурхондарё сувқурилишинвест" ДМ	Узун туманидаги "МР-1" каналининг ПК17+50 қисмида жойлашган "Шўрб" селтрактини реконструкция қилиш.	2022 й.	канал, км	2,9	1 639,2	Сув ҳўжалиги вазирлигининг 2022 йил 29 июлдаги 05/05-271-сон хати

Тасдиқланган параметрлар							Аниқлаштирилган параметрлар							Асос
Т/р	Буюртмачи номи	Лойиҳа манзили ва номи	Амалга ошириш муддати	Ўлчов бирлиги	Лойиҳа қуввати	2022 йил учун лимит	Т/р	Буюртмачи номи	Лойиҳа манзили ва номи	Амалга ошириш муддати	Ўлчов бирлиги	Лойиҳа қуввати	2022 йил учун лимит	
10	"Сурхондарё сувқурилишинвест" ДМ	Узун туманидаги "МР-2" каналининг 7,5 км узунликдаги қисмини ишпоотлари билан биргаликда реконструкция қилиш	2022 й.	канал, км	7,5	1 900,0	10	"Сурхондарё сувқурилишинвест" ДМ	Узун туманидаги "МР-2" канални ишпоотлари билан биргаликда реконструкция қилиш	2022 й.	канал, км	3,6	1 949,3	Сув ҳўжалиги вазирлигининг 2022 йил 29 июлдаги 05/05-271-сон хати
11	"Сурхондарё сувқурилишинвест" ДМ	Узун туманидаги "Малик-2" насос станциясини реконструкция қилиш	2022 й.	насос станция, м3/сек	0,3	1 852,5	11	"Сурхондарё сувқурилишинвест" ДМ	Узун туманидаги "Малик-2" насос станциясини реконструкция қилиш	2022 й.	насос станция, м3/сек	0,7	1 707,2	Сув ҳўжалиги вазирлигининг 2022 йил 29 июлдаги 05/05-271-сон хати
12	"Сурхондарё сувқурилишинвест" ДМ	Денов туманидаги "Откамар" каналини реконструкция қилиш	2022 й.	канал, км	8,0	1 900,0	12	"Сурхондарё сувқурилишинвест" ДМ	Денов туманидаги "Откамар" каналини реконструкция қилиш	2022 й.	канал, км	5,3	1 280,1	Сув ҳўжалиги вазирлигининг 2022 йил 29 июлдаги 05/05-271-сон хати
13	"Сурхондарё сувқурилишинвест" ДМ	Музработ тумани "Дехқонобод" маҳалласи ҳудудидаги ички ирригация тармоқларини реконструкция қилиш	2022 й.	канал, км	3,2	1 478,5	13	"Сурхондарё сувқурилишинвест" ДМ	Музработ тумани "Дехқонобод" маҳалласи ҳудудидаги ички ирригация тармоқларини реконструкция қилиш	2022 й.	канал, км	5,1	1 702,3	Сув ҳўжалиги вазирлигининг 2022 йил 29 июлдаги 05/05-271-сон хати
14	"Сурхондарё сувқурилишинвест" ДМ	Узун туманидаги "МК" каналининг 11,5 км узунликдаги қисмини ишпоотлари билан биргаликда реконструкция қилиш	2022-2023 йй.	канал, км	11,5	950,0	14	"Сурхондарё сувқурилишинвест" ДМ	Узун туманидаги "МК" каналини ишпоотлари билан биргаликда реконструкция қилиш	2022-2023 йй.	канал, км	8,3	950,0	Сув ҳўжалиги вазирлигининг 2022 йил 29 июлдаги 05/05-271-сон хати
15	"Сирдарё сувқурилишинвест" ДМ	Ховос туманидаги "ЖТ-12-1" ирригация тизими каналининг ПК32+00 дан ПК72+00 гача қисмини реконструкция қилиш	2022 й.	канал, км	4,0	5 700,0	15	"Сирдарё сувқурилишинвест" ДМ	Ховос туманидаги "ЖТ-12-1" ирригация тизими каналининг ПК32+00 дан ПК72+00 гача қисмини реконструкция қилиш	2022 й.	канал, км	4,6	4 868,3	Сув ҳўжалиги вазирлигининг 2022 йил 29 июлдаги 05/05-271-сон хати
16	"Сирдарё сувқурилишинвест" ДМ	Боёвут туманининг "Ш.Рашидов" худудини сув билан таъминловчи "Д-0-5" сўғориш тармоғини реконструкция қилиш	2022 й.	канал, км	5,0	3 325,0	16	"Сирдарё сувқурилишинвест" ДМ	Боёвут туманининг "Ш.Рашидов" худудини сув билан таъминловчи "Д-0-5" сўғориш тармоғини реконструкция қилиш	2022 й.	канал, км	4,6	2 697,2	Сув ҳўжалиги вазирлигининг 2022 йил 29 июлдаги 05/05-271-сон хати
17	"Сирдарё сувқурилишинвест" ДМ	Сирдарё туманидаги "Ўнг тармоқ" ирригация тизими каналининг ПК430+00 дан ПК470+00 гача қисмини реконструкция қилиш	2022 й.	канал, км	4,0	4 940,0	17	"Сирдарё сувқурилишинвест" ДМ	Сирдарё туманидаги "Ўнг тармоқ" ирригация тизими каналининг ПК430+00 дан ПК470+00 гача қисмини реконструкция қилиш	2022 й.	канал, км	3,8	4 079,4	Сув ҳўжалиги вазирлигининг 2022 йил 29 июлдаги 05/05-271-сон хати
18	"Сирдарё сувқурилишинвест" ДМ	Сирдарё туманидаги "Малик" ирригация тизими каналининг ПК82+00 дан ПК232+00 гача қисмини реконструкция қилиш	2022-2024 йй.	канал, км	15,0	2 000,0	18	"Сирдарё сувқурилишинвест" ДМ	Сирдарё туманидаги "Малик" ирригация тизими каналининг ПК82+00 дан ПК232+00 гача қисмини реконструкция қилиш	2022-2024 йй.	канал, км	13,8	2 000,0	Сув ҳўжалиги вазирлигининг 2022 йил 29 июлдаги 05/05-271-сон хати
19	"Тошкент сувқурилишинвест" ДМ	Юқори-Чирчиқ туманида "Олга" худудидаги лотокли сўғориш тармоқларини реконструкция қилиш	2022 й.	лоток, км	4,2	1 802,1	19	"Тошкент сувқурилишинвест" ДМ	Юқори-Чирчиқ туманида "Олга" худудидаги лотокли сўғориш тармоқларини реконструкция қилиш	2022 й.	лоток, км	4,7	1 718,9	Сув ҳўжалиги вазирлигининг 2022 йил 29 июлдаги 05/05-271-сон хати
20	"Фарғона сувқурилишинвест" ДМ	Сўх тумани "Хушёр" асосий сел йўлини ПК0+00 дан ПК42+00 гача қисмини реконструкция қилиш	2021-2022 йй.	дамба, км	4,2	3 725,4	20	"Фарғона сувқурилишинвест" ДМ	Сўх тумани "Хушёр" асосий сел йўлини ПК0+00 дан ПК42+00 гача қисмини реконструкция қилиш	2021-2022 йй.	дамба, км	3,8	3 725,4	Сув ҳўжалиги вазирлигининг 2022 йил 29 июлдаги 05/05-271-сон хати
21	"Фарғона сувқурилишинвест" ДМ	Тошлок туманидаги 900 метр тик сўғориш қудуқларининг сув чиқариш қувурларини янгисига алмаштириш	2022 й.	қувур, км	0,9	150,0	21	"Фарғона сувқурилишинвест" ДМ	Тошлок туманидаги 900 метр тик сўғориш қудуқларининг сув чиқариш қувурларини янгисига алмаштириш	2022 й.	қувур, км	0,5	425,3	Сув ҳўжалиги вазирлигининг 2022 йил 29 июлдаги 05/05-271-сон хати

Тасдиқланган параметрлар							Аниқлаштирилган параметрлар							Асос
Т/р	Буюртмачи номи	Лойиҳа манзили ва номи	Амалга ошириш муддати	Ўлчов бирлиги	Лойиҳа қуввати	2022 йил учун лимит	Т/р	Буюртмачи номи	Лойиҳа манзили ва номи	Амалга ошириш муддати	Ўлчов бирлиги	Лойиҳа қуввати	2022 йил учун лимит	
22	"Фарғона сувқурилишинвест" ДМ	Ўзбекистон туманидаги "Яйпан Адир бўйлаб" сув истеъмолчилари уюшмаси ҳисобидаги лоток тармоғларини қуриш ва реконструкция қилиш	2022 й.	лоток, км	0,3	441,0	22	"Фарғона сувқурилишинвест" ДМ	Ўзбекистон туманидаги "Яйпан Адир бўйлаб" сув истеъмолчилари уюшмаси ҳисобидаги лоток тармоғларини қуриш ва реконструкция қилиш	2022 й.	лоток, км	0,4	353,0	Сув ҳўжалиги вазириликнинг 2022 йил 29 июлдаги 05/05-271-сон хати
23	"Фарғона сувқурилишинвест" ДМ	Фарғона туманидаги "Оқбилло Абдумалик" сув истеъмолчилари уюшмаси ҳисобидаги лоток тармоғларини қуриш ва реконструкция қилиш	2022 й.	лоток, км	0,4	593,8	23	"Фарғона сувқурилишинвест" ДМ	Фарғона туманидаги "Оқбилло Абдумалик" сув истеъмолчилари уюшмаси ҳисобидаги лоток тармоғларини қуриш ва реконструкция қилиш	2022 й.	лоток, км	0,6	468,1	Сув ҳўжалиги вазириликнинг 2022 йил 29 июлдаги 05/05-271-сон хати
24	"Хоразм сувқурилишинвест" ДМ	Хоразм вилояти Гурлан тумани Чинобод массивида фойдаланишдан чиққан 250 гектар ерни қайта фойдаланишга киритиш ва узумзор ташкил этиш мақсадида насос станция қуриш	2021-2022 йй.	насос станция, м3/сек	2,8	3 665,8	24	"Хоразм сувқурилишинвест" ДМ	Хоразм вилояти Гурлан тумани Чинобод массивида фойдаланишдан чиққан 250 гектар ерни қайта фойдаланишга киритиш ва узумзор ташкил этиш мақсадида насос станция қуриш	2021-2022 йй.	насос станция, м3/сек	2,7	3 322,8	Сув ҳўжалиги вазириликнинг 2022 йил 29 июлдаги 05/05-271-сон хати
25	"Хоразм сувқурилишинвест" ДМ	Қўшқўпир туманидаги "Озёрный" коллекторининг ПК64+00 қисмида насос станция қуриш	2022 й.	насос станция, м3/сек	3,5	1 425,0	25	"Хоразм сувқурилишинвест" ДМ	Қўшқўпир туманидаги "Озёрный" коллекторининг ПК64+00 қисмида насос станция қуриш	2022 й.	насос станция, м3/сек	1,0	1 028,3	Сув ҳўжалиги вазириликнинг 2022 йил 29 июлдаги 05/05-271-сон хати
26	"Хоразм сувқурилишинвест" ДМ	Қўшқўпир туманидаги "Газавот-Давдон" коллекторининг ПК169+00 қисмида "Амиркум-2" насос станциясига 4 та 24-НДН русумли насос агрегати ва 1 та трансформатор янгидан ўрнатиш	2022 й.	насос станция, м3/сек	7,8	2 850,0	26	"Хоразм сувқурилишинвест" ДМ	Қўшқўпир туманидаги "Газавот-Давдон" коллекторининг ПК169+00 қисмида "Амиркум-2" насос станциясига 4 та 24-НДН русумли насос агрегати ва 1 та трансформатор янгидан ўрнатиш	2022 й.	насос станция, м3/сек	2,8	3 609,1	Сув ҳўжалиги вазириликнинг 2022 йил 29 июлдаги 05/05-271-сон хати
27	"Хоразм сувқурилишинвест" ДМ	Хива шаҳридаги "Ангарик" каналини ПК0+00 дан ПК25+00 гача бўлган қисмини реконструкция қилиш	2022 й.	канал, км	2,5	712,5	27	"Хоразм сувқурилишинвест" ДМ	Хива шаҳридаги "Ангарик" каналини ПК0+00 дан ПК25+00 гача бўлган қисмини реконструкция қилиш	2022 й.	канал, км	2,4	1 613,7	Сув ҳўжалиги вазириликнинг 2022 йил 29 июлдаги 05/05-271-сон хати
28	"Хоразм сувқурилишинвест" ДМ	Гурлан туманидаги "Нукус-яб" каналини реконструкция қилиш	2022 й.	канал, км	15,7	1 298,0	28	"Хоразм сувқурилишинвест" ДМ	Гурлан туманидаги "Нукус-яб" каналини реконструкция қилиш	2022 й.	канал, км	15,5	2 233,0	Сув ҳўжалиги вазириликнинг 2022 йил 29 июлдаги 05/05-271-сон хати
29	"Хоразм сувқурилишинвест" ДМ	Янгибозор туманидаги "Ширикўнгирот" ва "Бўзқалъа" худудларидаги ер майдонларининг сув таъминотини яхшилаш учун 2,1 км узунликда канал қазилар ва 2 та насос ўрнатиш	2022 й.	канал, км	2,1	3 800,0	29	"Хоразм сувқурилишинвест" ДМ	Янгибозор туманидаги "Ширикўнгирот" ва "Бўзқалъа" худудларидаги ер майдонларининг сув таъминотини яхшилаш учун 2,1 км узунликда канал қазилар ва 2 та насос ўрнатиш	2022 й.	канал, км	3,8	3 085,7	Сув ҳўжалиги вазириликнинг 2022 йил 29 июлдаги 05/05-271-сон хати
				насос станция, м3/сек	1,5						насос станция, м3/сек	1,5		
Мелиорация тармоқлари ва иншоотлари														
30	"Қорақалпоғистон-сувқурилишинвест" ДМ	Амударё туманидаги "Атажанбой" ҳўжаликларида коллекторини реконструкция қилиш	2022 й.	колл, км	10,6	2 850,0	30	"Қорақалпоғистон-сувқурилишинвест" ДМ	Амударё туманидаги "Атажанбой" ҳўжаликларида коллекторини реконструкция қилиш	2022 й.	колл, км	11,2	2 380,0	Сув ҳўжалиги вазириликнинг 2022 йил 29 июлдаги 05/05-271-сон хати
31	"Қорақалпоғистон-сувқурилишинвест" ДМ	Беруний туманидаги "К-11" ҳўжаликларида коллекторининг ПК0+00 дан ПК208+00 гача қисмини реконструкция қилиш (1-босқич)	2022-2023 йй.	колл, км	20,8	2 000,0	31	"Қорақалпоғистон-сувқурилишинвест" ДМ	Беруний туманидаги "К-11" ҳўжаликларида коллекторининг ПК0+00 дан ПК208+00 гача қисмини реконструкция қилиш (1-босқич)	2022-2023 йй.	колл, км	21,3	2 000,0	Сув ҳўжалиги вазириликнинг 2022 йил 29 июлдаги 05/05-271-сон хати

Тасдиқланган параметрлар							Аниқлаштирилган параметрлар							Асос
Т/р	Буюртмачи номи	Лойиҳа манзили ва номи	Амалга ошириш муддати	Ўлчов бирлиги	Лойиҳа қуввати	2022 йил учун лимит	Т/р	Буюртмачи номи	Лойиҳа манзили ва номи	Амалга ошириш муддати	Ўлчов бирлиги	Лойиҳа қуввати	2022 йил учун лимит	
32	"Қорақалпоғистон-сувқурилишнинг" ДМ	Элликкальта туманидаги "К-4" туманлараро коллекторини ПК0+00 дан ПК150+00 гача қисмини реконструкция қилиш	2022 й.	колл, км	15,0	3 550,0	32	"Қорақалпоғистон-сувқурилишнинг" ДМ	Элликкальта туманидаги "К-4" туманлараро коллекторини ПК0+00 дан ПК150+00 гача қисмини реконструкция қилиш	2022 й.	колл, км	15,7	3 160,7	Сув хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 29 июлдаги 05/05-271-сон хати
33	"Андижонсув-қурилишнинг" ДМ	Булоқбоши туманидаги "Ойдинкул" коллекторини ҳамда "Баққол" коллекторига қуюлувчи ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқларини реконструкция қилиш	2022 й.	колл, км ЁЁД, км қувурли ўтиш, дона	2,5 5,0 2	1 625,0	33	"Андижонсув-қурилишнинг" ДМ	Булоқбоши туманидаги "Ойдинкул" коллекторини ҳамда "Баққол" коллекторига қуюлувчи ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқларини реконструкция қилиш	2022 й.	колл, км ЁЁД, км қувурли ўтиш, дона	0,5 5,09 2	1 923,9	Сув хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 29 июлдаги 05/05-271-сон хати
34	"Бухоросув-қурилишнинг" ДМ	Олот, Жондор ва Қорақўл туманларида коллектор дренаж тармоқларини қуриш	2022 й.	колл, км	14,0	3 300,0	34	"Бухоросув-қурилишнинг" ДМ	Олот, Жондор ва Қорақўл туманларида коллектор дренаж тармоқларини қуриш	2022 й.	колл, км	13,2	2 699,2	Сув хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 29 июлдаги 05/05-271-сон хати
35	"Жиззахсув-қурилишнинг" ДМ	Зарбдор туманининг "Шарк Юлдузи", "Нурафшон", "Истикбол", "Оқар", "Мустақиллик" ва "Ғалаба" ФХХУ лари ҳудудда ёпиқ-горизонтал дренаж тармоқларини қуриш	2022 й.	ЁЁД, км	15,2	2 641,0	35	"Жиззахсув-қурилишнинг" ДМ	Зарбдор туманининг "Шарк Юлдузи", "Нурафшон", "Истикбол", "Оқар", "Мустақиллик" ва "Ғалаба" ФХХУ лари ҳудудда ёпиқ-горизонтал дренаж тармоқларини қуриш	2022 й.	ЁЁД, км	14,84	2 384,9	Сув хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 29 июлдаги 05/05-271-сон хати
36	"Жиззахсув-қурилишнинг" ДМ	Мирзачўл туманининг "Абай", "Тошкент" ва "Р.Ҳайдаров" ФХХУ лари ҳудудда ёпиқ-горизонтал дренаж тармоқларини қуриш	2022 й.	ЁЁД, км	9,8	1 672,0	36	"Жиззахсув-қурилишнинг" ДМ	Мирзачўл туманининг "Абай", "Тошкент" ва "Р.Ҳайдаров" ФХХУ лари ҳудудда ёпиқ-горизонтал дренаж тармоқларини қуриш	2022 й.	ЁЁД, км	10,04	1 828,8	Сув хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 29 июлдаги 05/05-271-сон хати
37	"Жиззахсув-қурилишнинг" ДМ	Дўстлик туманининг "М.Дадажанов", "Саркисов" ва "Ш.Ибрагимов" ФХХУ лари ҳудудда коллектор-дренаж тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш	2022 й.	колл, км ЁЁД, км	3,5 12,7	2 500,0	37	"Жиззахсув-қурилишнинг" ДМ	Дўстлик туманининг "М.Дадажанов", "Саркисов" ва "Ш.Ибрагимов" ФХХУ лари ҳудудда коллектор-дренаж тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш	2022 й.	колл, км ЁЁД, км	2,86 10,84	2 158,7	Сув хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 29 июлдаги 05/05-271-сон хати
38	"Қашқадарёсув-қурилишнинг" ДМ	Косон туманининг "Гувалак" ва "Гулбоғ" ҳудудларида коллектор-дренаж тармоқларини қуриш	2022 й.	колл, км ЁЁД, км ГТИ, дона	8,0 11,0 2	3 140,0	38	"Қашқадарёсув-қурилишнинг" ДМ	Косон туманининг "Гувалак" ва "Гулбоғ" ҳудудларида коллектор-дренаж тармоқларини қуриш	2022 й.	колл, км ЁЁД, км ГТИ, дона	7,87 10,64 5	3 001,5	Сув хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 29 июлдаги 05/05-271-сон хати
39	"Қашқадарёсув-қурилишнинг" ДМ	Нишон туманининг "Ибн Сино", "Пахтабод", "У.Юсупов" ва "Ч.Бегимқулов" ҳудудларида дренаж тармоқларини қуриш.	2022 й.	ЁЁД, км	51,4	7 330,0	39	"Қашқадарёсув-қурилишнинг" ДМ	Нишон туманининг "Ибн Сино", "Пахтабод", "У.Юсупов" ва "Ч.Бегимқулов" ҳудудларида дренаж тармоқларини қуриш.	2022 й.	ЁЁД, км	47,78	6 616,4	Сув хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 29 июлдаги 05/05-271-сон хати
40	"Қашқадарёсув-қурилишнинг" ДМ	Ғузор туманидаги "Бўстон" ҳудудда "Мангит ва Дўстлик" коллекторларини қуриш ва реконструкция қилиш	2022 й.	колл, км ЁЁД, км	25,0	1 800,0	40	"Қашқадарёсув-қурилишнинг" ДМ	Ғузор туманидаги "Бўстон" ҳудудда "Мангит ва Дўстлик" коллекторларини қуриш ва реконструкция қилиш	2022 й.	колл, км ЁЁД, км	22,46 2,05	1 643,5	Сув хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 29 июлдаги 05/05-271-сон хати
41	"Навоийсув-қурилишнинг" ДМ	Навбахор ва Хатирчи туманларида ёпиқ-ётиқ дренаж тармоғи қуриш	2022 й.	ЁЁД, км	4,3	1 040,0	41	"Навоийсув-қурилишнинг" ДМ	Навбахор ва Хатирчи туманларида ёпиқ-ётиқ дренаж тармоғи қуриш	2022 й.	колл, км ЁЁД, км	1,902 3,989	1 273,7	Сув хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 29 июлдаги 05/05-271-сон хати

Тасдиқланган параметрлар							Аниқлаштирилган параметрлар							Асос
Т/р	Буюртмачи номи	Лойиха манзили ва номи	Амалга ошириш мuddати	Ўлчов бирлиги	Лойиха куввати	2022 йил учун лимит	Т/р	Буюртмачи номи	Лойиха манзили ва номи	Амалга ошириш мuddати	Ўлчов бирлиги	Лойиха куввати	2022 йил учун лимит	
42	"Намангансув-қурилишinvest" ДМ	Мингбулок туманидаги "Сариксув", "Корашахар" ва "Чордона" коллекторларини реконструкция қилиш	2022 й.	колл, км	21,0	1 900,0	42	"Намангансув-қурилишinvest" ДМ	Мингбулок туманидаги "Сариксув", "Корашахар" ва "Чордона" коллекторларини реконструкция қилиш	2022 й.	колл, км	19,21	1 972,0	Сув ҳўжалиги вазирлигининг 2022 йил 29 июлдаги 05/05-271-сон хати
43	"Намангансув-қурилишinvest" ДМ	Янгиқўрғон тумани "Қўйи Қораполвон" МФЙ худудига ёпик-ёттик дренаж тармоғини қуриш	2022 й.	колл, км	3,0	900,0	43	"Намангансув-қурилишinvest" ДМ	Янгиқўрғон тумани "Қўйи Қораполвон" МФЙ худудига ёпик-ёттик дренаж тармоғини қуриш	2022 й.	колл, км	2,559	846,4	Сув ҳўжалиги вазирлигининг 2022 йил 29 июлдаги 05/05-271-сон хати
